

“Ўзбекино” Миллий агентлиги
Бухоро вилоят ҳудудий бўлимининг

НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

II. Ҳудудий бўлимининг вазифалари ва функциялари

III. Ҳудудий бўлимининг ҳуқуқлари ва масъулияти

IV. Ҳудудий бўлим фаолиятини ташкил этиш

V. Ҳудудий бўлим фаолиятининг ҳисоботи ва назорати

I. Умумий қоидалар

1.1. “Ўзбекино” Миллий агентлигининг ҳудудий бўлими (кейинги ўринларда ҳудудий бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 16 мартдаги ПФ–3407-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарорига асосан “Бухорокиновидео” акционерлик бирлашмаси негизида ташкил этилади.

Ҳудудий бўлим ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича “Бухорокиновидео” акционерлик бирлашмасининг ҳуқуқий вориси деб ҳисобланади.

1.2. Ҳудудий бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекино” Миллий агентлиги буйруқлари ва қарорлари ҳамда мазкур низомга амал қилди.

1.3. Ҳудудий бўлим ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

1.4. Ҳудудий бўлим фаолиятининг харажатлари Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ҳудудий бўлим учун ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Ҳудудий бўлимининг ходимлари сони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарорига мувофиқ белгиланади ва “Ўзбекино” Миллий агентлиги бош директори томонидан тасдиқланади.

1.5. Ҳудудий бўлим юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Ҳудудий бўлимининг вазифалари ва функциялари

2.1. Ҳудудий бўлимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Киносанъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳанинг умумбашарий ва миллий кадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб этишда иштирок этиш;

киносанъатида, кино-видео фаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда қатнашиши;

ўз ҳудудида киноматография соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тadbиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт шароитлар яратиш;

муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонуний равишда Республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш.

2.2. Худудий бўлим ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

кино санъати, кино-видео фаолиятни амалга ошириш соҳадаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

Ёш авлод онгида миллий ғоя ва миллий шуурини шакллантириш, замондошларимизнинг мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий ислохотлардаги иштирокини акс эттирадиган асарларни кинотеатрларда кенг намойиш этишга шарт-шароитлар яратади;

кино тизимига кирувчи корхоналарни моддий техника базасини янгилашга кўмаклашади, соҳани қайта техник жиҳозлаш дастурини амалга оширишда қатнашади;

республика худудида кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларига риоя этилишини назорат қилади, хусусий прокат тизимини ривожлантиришга кўмаклашади;

кинематография соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари билан доимий ҳамкорлик ўрнатади, уларнинг ўқув режалари дастурлари ва мутахасисларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар, кино-видеофаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва хусусий тадбиркорлар учун кенг шароитлар яратилишини, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини ва хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига йўл қўймасликни таъминлайди;

кинофильмларни яратиш, намойиш этиш, худудий бўлим корхоналарини моддий техника базасини янгилаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлайди;

кино-видео прокат тизимини ривожлантириш яратилган фильмларни видео касета ва бошқа турдаги манбаларга нусхасини кўчириб тарқатиш орқали худудий бўлими корхоналарнинг кўшимча маблағларни шакллантиришга кўмаклашади.

2.3. Худудий бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, ўз тизимидаги ташкилотлар орқали ҳал қилади.

2.4. Худудий бўлим қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни жумладан гастрол-концертни ташкил этиш, шоу-бизнес фаолияти билан шуғулланиш, Аудио касеталарни кўпайтириш ва сотиш. Сони, денди ва компьютер ўйинларини ташкил этиши мумкин.

2.5. Киновидео технологик жиҳозлар, хом Ашё, киновидеофильмлар, аудио маҳсулотлар ва бошқа халқ истеъмол молларини ўз валюта маблағи, банк кредитлари ва бошқа молиявий манбалар ҳисобига харид қилиш сотиш бўйича белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга ошириш.

2.6. Худудий бўлим бошқаруви, ижодий ишлаб чиқариш, ташкилий хўжалик ва ташкилий бошқарув тизимларини шакллантириш.

2.7. Харид қилинадиган ва сотиладиган киновидео маҳсулотларининг экспорт импорт имкониятларини таҳлил қилиш.

2.8. Тармоқни техника билан қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни кенг жалб этиш ва илғор технологияларни жорий қилиш.

2.9. Ички ва ташқи бозорларда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажминини кўпайтириш ва рақобатдорлигини ошириш.

1.10. Ўзаро манфаатдорлик ва шартнома асосида қайтариш шартлари билан самарали банк-кредит хизматини ташкил қилиш ва ривожлантириш.

2.11. Тижорат фаолиятини амалга ошириш ҳамда ҳар хил кўرғазмалар, конференциялар ва семинарлар ташкил этиш. Реклама фаолияти билан шуғулланиш.

2.12. Худудий бўлим аъзоларининг моддий-техника таъминотини такомиллаштириш ва равишда ривожлантириш ҳамда шартнома асосида уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва молларни сотиш.

2.13. Худудий бўлим аъзолари ўртасидаги иқтисодий алоқалар принципларини ва уни амалга ошириш услубларини (методикасини) ишлаб чиқиш.

III. Худудий бўлимнинг ҳуқуқлари ва масъулияти

3.1. Худудий бўлим ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат бошқаруви ва бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан уларнинг кино-видеофаолиятига доир зарур маълумотлар ҳужжатлар ва материаллар олиш;

- кино-видеофаолияти амалга ошириш соҳасидаги Қонун ҳужжатларининг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

- мулкчилик шакли, идоравий мансублигидан қатъий назар, киновидео хизмати билан шуғулланиш учун махсус лицензияларни ҳамда намоёиш учун мўлжалланган кино-видео фильмларнинг Давлат рухсатномалари мавжудлигини ва амал қилиш муддатларини назорат қилиш;

- ўз-ўзини молиявий қоплаш мақсадида шартномага асосан, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

- ўз мулкига эгалик қилиши, ундан тўғри ва мақсадли фойдаланиши ва фаолияти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатмалар бериши;

- ўзини мустақил балансига;

- Юридик ва жисмоний шахслар билан келишилган ҳолда, шартномалар тузиши, хўжалик судларида даъвогар ва жавобгар бўлишга;

- Худудий бўлим олинган мажбуриятлари ва ўз мулки учун жавобгардир.

- Худудий бўлим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

- Кино ва видео маҳсулотларини нархлаш, хизмат кўрсатиш ва ижара учун қўйилган баҳони қайта кўриб чиқиш, ижодий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича маош белгилаш ҳамда киновидеофильмлар яратилиши, киносценарийлар, фильмларга мусикалар ёзуви учун сўмда ва хорижий валютада муаллифлик гонорарлари ва пул мукофотлари белгилаш бўйича таклифлар киритиш;

- Белгиланган тартибда тижорат ва реклама ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

- Кино соҳаси эҳтиёжи учун керак бўлган кино ва видео маҳсулотлари техникаси, кино лента, аудио-видео касеталар, ҳақиқатлар материаллар, жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар, халқ истеъмоли ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган тартибда экспорт-импорт ва бартер операцияларини бажариш шунингдек турли хизматлар кўрсатиш;

- Киновидео технологик жиҳозлар, хом ашё, киновидеофильмлар, аудио маҳсулотлар ва бошқа халқ истеъмомол молларини ўз валюта маблағи, банк кредитлари ва бошқа молиявий манбаалар ҳисобига харид қилиш сотиш, бўйича белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга ошириш;

- Саноат ва хўжалик моллари ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланиш, озиқ-овқат, кийим кечек, маданий моллар, қурилиш материаллари, ёқилғи мойлаш ва нефть маҳсулотлари, кимёвий моллар, автомобил ва бошқа эҳтиёж қисмлар, идоралар, мактаблар ва ўқув юртлари учун канцелярия моллари олиб келиш ва сотиш;

- Ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан- тўғри ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга доир ишлаб чиқариш ҳамда тижорат- воситачилик хизматларини амалга ошириш, ишлаб чиқарувчилар қайси идорага бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, моддий ресурслар ва товарларни эркин сотиб олишни ҳамда уларни харидорларга сотишни ташкил этиш.

3.2. Худудий бўлим ўз ваколатлари доирасида барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар учун бажариш лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашади. Худудий бўлим зарур ҳолларда бошқа идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир

3.3. Худудий бўлим ўзига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

3.4. Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;

3.5. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий ва коллектив даромад ортириш;

IV. Худудий бўлим фаолиятини ташкил этиш

4.1. Худудий бўлимни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ (директор) бошқаради.

4.2. Бошлиқ:

Худудий бўлим фаолиятига яқка тартиб асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ва худудий бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Худудий бўлимдаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини ва масъуллик даражасини белгилайди;

Худудий бўлим ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади;

Белгиланган ходимлар чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди штатлар жадвалини, харажатлар сметасини ишлаб чиқарилади ва “Ўзбеккино” Миллий агентлигига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин.

4.3. Худудий бўлим раҳбари, вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Худудий бўлим фаолиятининг ҳисоботи ва назорати

5.1. Худудий бўлим ўз фаолиятида ҳисоботни қонунийлик билан белгиланган тартибда юритади.

5.2. Худудий бўлим давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағларнинг унинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан самарали ва мақсадли ишлатилиши бўйича назорат юритади ва ҳар чорақда “Ўзбеккино” Миллий агентлигига ҳисобот беради.

5.3. Худудий бўлим молиявий фаолиятининг назорати ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.